



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

# ЎТМИШГА НАЗАР

3 ЖИЛД, 10 СОН

# ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 3, НОМЕР 10

# LOOK TO THE PAST

VOLUME 3, ISSUE 10



ТОШКЕНТ-2020

**Бош мухаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Муртазаева Рахбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош мухаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

**«Ўтмишга назар» илмий журнали тахририй маслаҳат кенгаши**  
**редакционный совет научного журнала «Взгляд в прошлое»**  
**Editorial board of the scientific journal Looking into the past**

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**  
тарих фанлари доктори,  
профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бобожинова Дилором Бобожинова**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон жаҳон  
тиллари университети

**Зияева Доно Ҳамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Кебадзе Мадонна**  
доктор исторических наук, Телавский  
государственный университет, Грузия

**Аширов Адҳам Азимбаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Бурдиашвили Майя**  
доктор исторических наук, Телавский  
государственный университет, Грузия

**Агзамова Гулчехра Азизовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Кожакеева Ляззат Темировна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика  
университети, Қозоғистон

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**  
тарих фанлари доктори,  
Тошкент кимё - технология институти

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон давлат жаҳон  
тиллари университети

**Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна**  
тарих фанлари номзоди, доцент  
Ўзбекистон Миллий университети

**Гофоров Шокир Сафарович**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Самарқанд давлат тиббиёт институти

**Эргашева Юлдуз Алимовна**  
Тарих фанлари доктори, профессор,  
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт  
институти

**Теймураз Ахалмосулишвили**  
профессор, Телавский государственный  
университет, Грузия

**Халикова Рахбар Эргашевна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент давлат техника университети

**Кобзева Ольга Петровна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Ишанходжаева Замира Райимовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна**  
тарих фанлари доктори, доцент  
Нукус давлат педагогика институти

**Мустафаева Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари доктори  
Ўзбекистон Республикаси  
Фанлар академияси

**Одилов Аброр Анварович**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Саипова Камола Давляталиевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Джоробекова Айнуэр Эшимбековна**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Ташқи ишлар вазирлиги қошидаги  
Дипломатия академияси,  
Қозоғистон Республикаси

**Ковалев Борис Николаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Россия ФА, Санкт-Петербург  
Тарих институти

**Ауанасова Алима Мусировна**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Давлат тарихи институти, Қозоғистон

**Бегалинова Калимаш Капсамаровна**  
фалсафа фанлари доктори, профессор  
Ал-Фаробий номидаги Қозоғистон  
Миллий университети, Қозоғистон

**Хайдаров Муродилла Махмуталиевич**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Ўзбекистон миллий университети

**Алиева Лале**  
тарих фанлари доктори,  
Озарбайжон Давлат университети

**Исмаилова Алмаз**  
тарих фанлари доктори,  
Догистон мустақил университети

**Талапов Бахриддин Алижанович**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Наманган давлат университети

**Захидова Саҳоват**  
тарих фанлари номзоди, доцент  
Ўзбекистон Миллий университети

**Халмуратов Бахтиёр Режавалиевич**  
тарих фанлари бўйича  
фалсафа доктори, доцент  
Наманган давлат университети

**Махкамов Қодиржон Одилжонович**  
PhD, доцент в.б.  
Наманган давлат университети

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

## МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

<b>1. Равшан Ҳалимович Акбаров</b> ТУРКИСТОНДА БУТУНРОССИЯ ТАЪСИС МАЖЛИСИГА САЙЛОВЛАРНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ (ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА).....	4
<b>2. Улуғбек Қўчқорович Исмоилов</b> ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР ВА ХАЛҚИМИЗНИНГ ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИГИ.....	11
<b>3. Salamat Mamanuli Ktaybekov</b> LIU ZHI JUANNING "IPAK TARIXI" ASARIGA TARIXIY NIGOH.....	19
<b>4. Saidamirxon Mahmudov</b> ZAMONAVIY TARAQQIYOTNING YANGI BOSQICHIDA KOREYA-O'ZBEKISTON HAMKORLIGINING ISTIQBOLLARI.....	24
<b>5. Orifxo'ja Odilovich Mo'minov</b> ARXELOGIYADA QADIMGI HUDUDLAR LANDSHAFTLARINI TUZISHDA GATNING O'RNI.....	31
<b>6. Орифа Зулфикоровна Норова</b> МАМЛАКАТИМИЗ АҲОЛИСИНИНГ МУЗЕЙШУНОСЛИК МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	38
<b>7. Жаҳонгир Давлатович Остонов</b> БУХОРО ИНҚИЛОБИ ЁХУД КОММУНИСТИК ИНТЕРВЕНЦИЯ? БУХОРО ВОҚЕАЛАРИГА ЯНГИЧА ҚАРАШ.....	44
<b>8. Мархабо Давлатовна Пардаева</b> ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ МАЪРИФАТ БИЛАН КУРАШИШДА МУТАФАККИР ЖАДИДЛАР ҚАРАШЛАРИНИНГ ЎРНИ.....	51
<b>9. Рустамжон Султонмуродович Солиев</b> ВАТАН ВА ХАЛҚ МАНФААТИ ЙЎЛИДА.....	58
<b>10. Юлдуз Бобокуловна Турсунова</b> ЎРТА ОСИЁ ВА ҚОЗОҒИСТОН МУСУЛМОНЛАР ДИНИЙ ИДОРАСИ ТАРКИБИНИНГ АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРИДА АКС ЭТИШИ.....	62
<b>11. Санъат Ҳайитбоевич Хўжамов</b> ТОШКЕНТДАН ТОПИЛГАН ЯНГИ КУФИЙ ДИРҲАМ ТАНГАЛАР.....	69
<b>12. Наргиза Ғаниевна Қаландарова</b> БУХОРО ШАҲРИ АРХИТЕКТУРА ОБИДАЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ.....	75


# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

**Орифа Зулфиқоровна Норова,**

Бухоро давлат университети мустақил тадқиқотчиси  
orifanorova93@gmail.com

## МАМЛАКАТИМИЗ АҲОЛИСИНИНГ МУЗЕЙШУНОСЛИК МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

**For citation:** Orifa Z. Norova, PROSPECTS FOR INCREASING THE MUSEUM CULTURE OF THE POPULATION OF OUR COUNTRY. Look to the past. 2020, vol. 10, issue 3, pp.38-43

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-10-6>

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада музейларнинг инсоният тарихий тараққиётидаги ўрни, Ўзбекистон музейлари тарихини тадқиқ қилган маҳаллий ва хорижлик олимлар ва уларнинг асарлари, шунингдек мустақиллик йилларида тарихий меросимизни ўзида сақловчи муассаса ҳисобланган музейлар ривожига алоҳида эътибор қаратилганлиги ҳамда аҳоли музейшунослик маданиятини ошириш борасида амалга оширилган тадбирлар тадқиқ қилинган.

**Калит сўзлар:** Музейлар, маданий мерос, маънавий маданият ёдгорликлари, музейшунослик маданияти, музей фонди.

**Орифа Зулфиқоровна Норова,**

Самостоятельный соискатель  
Бухарского государственного университета  
orifanorova93@gmail.com

## ПЕРСПЕКТИВЫ ПОВЫШЕНИЯ МУЗЕЙНОЙ КУЛЬТУРЫ НАСЕЛЕНИЯ НАШЕЙ СТРАНЫ

### АННОТАЦИЯ

В статье исследуется роль музеев в историческом развитии человечества, анализируются работы отечественных и зарубежных ученых, изучавших историю музеев Узбекистана, а также особое внимание уделено развитию музеев - учреждений, сохраняющих наше историческое наследие за годы независимости и принимаемые меры по повышению музейной культуры населения.

**Ключевые слова:** Музеи, культурное наследие, памятники духовной культуры, музейная культура, музейный фонд.

Orifa Z. Norova,

Independent Applicant at Bukhara State University

orifanorova93@gmail.com

## PROSPECTS FOR INCREASING THE MUSEUM CULTURE OF THE POPULATION OF OUR COUNTRY

### ABSTRACT

The article examines the role of museums in the historical development of mankind, analyzes the work of domestic and foreign scientists who have studied the history of museums in Uzbekistan, and also pays special attention to the development of museums - institutions that preserve our historical heritage over the years of independence and measures taken to improve the museum culture of the population.

**Index Terms:** Museums, cultural heritage, monuments of spiritual culture, museum culture, museum fund.

### 1. Долзарблиги:

Маълумки, қадриятларни белгиловчи асосий мезонлардан бири - бу ўтмиш ёдгорликлари бўлиб, уларга санъат, маданий-тарихий ёдгорликлар каби маънавий ва моддий бойликлар киради. Музейлар маънавий-маданият ёдгорликларини, шунингдек, кишилик жамияти тараққиёти ҳақидаги билимларнинг илк манбалари ҳисобланадиган табиий-тарихий коллекцияларни тўплаш, сақлаш, ўрганиш, кўргазма қилиш ва оммага етказиш билан шуғулланади [13, 3-6].

Музейлар маданиятнинг асосий давлат захираларидир. Музейлар фаолиятининг характериға кўра, илмийтадқиқот ва илмий-маърифий муассасалари ҳисобланади. Илмий-тадқиқотмуассасаси сифатида музейлар маданият ва тарихий ёдгорликларни, шунингдек табиат ва жамият ҳақидаги билимлар бўйича бошқа илк манбаларни тўплайдилар, ўрганадилар, сақлайдилар.

Илмий-маърифий муассаса сифатида эса, музейлар ўзларининг тадқиқот ишлари натижаларини кўргазма ва нашр қилиш сингари илмий-маърифий фаолиятларида намоёиш қиладилар.

### 2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақола умумқабул қилинган тарихий методлар – тарихийлик, қиёсий-манتيқий таҳлил, кетма-кетлик, ҳолислик тамойиллари асосида ёритилган.

Шунингдек, мавзунини ёритишда тизимли таҳлил, фактларнинг ички алоқадорлиги ва ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш, ўрганилаётган масаланинг индуктив ва дедуктив таҳлили, бунинг натижаларини умумлаштириш, қиёсийлик каби жорий методлардан фойдаланилди.

### 3. Тадқиқот натижалари:

Ўзбекистон музейлари тарихи жуда кўп маҳаллий ва хориж олимлари томонидан тадқиқ қилинган.

Хусусан, Туркистон халқлари маданий меросининг совет ҳукумати томонидан таланиши, музей моддий бойликларининг олиб кетилганлиги билан боғлиқ баъзи бир маълумотлар таҳлил қилинган. Бу масалага тегишли баъзибир маълумотлар ва фактлар Н.С.Содиқованинг “Музейное дело в Узбекистане” китобида баён этилган, ҳолос [14,5]. Шунингдек, мазкур китобда муаллиф Туркистонда музейларнинг ташкил қилиниши тарихига оид маълумотлар билан бирга, Хива ва Қўқон хонликларининг босиб олиниши жараёнида саройлардан қўлёзма китоблар, хонлик муҳрлари, қадимги олтин ва қумуш тангалар, этнографик буюмлар, Хива хонларининг тахти ҳамда бошқа нарсалар тортиб олиниб, Петербург ва Москва музейларига, кутубхоналарига олиб кетилганлигини ҳикоя қилган. Бу маълумотлардан ташқари, тадқиқотчи Н.С.Содиқова маҳаллий коллекционерлар Ақром Асқаров, Мирза Абдулла Бухорийларнинг олтин, қумуш, мис тангалари, қимматбаҳо

тарихий буюмлар Санкт-Петербургдаги археология хайъати томонидан Россия музейларига тарқатилганлиги тўғрисида ҳам аниқ маълумот берган.

Шунингдек, Н.С.Содиқованинг “Мулки тарож ўзбегим” асарида ҳам Россия империяси Ўрта Осиёни босиб олгандан сўнг, Туркистон диёридаги халқларнинг маданий мероси, миллий мулки ҳисобланган китоблар, архивлар, шахсий қўлёзма, хазиналар, олтин тангалар, муҳрлар, қолиплар, нишонлар ва бошқа маҳаллий хунармандларнинг юксак маҳорати ва нозик диди самараси бўлмиш қимматбаҳо буюмларни ўмариб кетиш сабаблари тўғрисида маълумот берилган [11].

Таъкидлаш жоизки, собиқ совет даврида яратилган Туркистон тарихига оид адабиётларда ўлкадаги мустамлакачилик сиёсати, унинг асосий йўналишлари, худуднинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаёти кенг ёритилган бўлиб, улар рус маъмурияти ҳисоботларига кенг мурожаат қилганлар. XX асрнинг 20- йилларида Г.И.Сафаров статистик маълумотларни таҳлил этиб, ишончли далиллар билан метрополиянинг ўлка бойликларини аёвсиз талаганлигини аниқ далиллар билан асослаб берган [12].

Ўзбекистон санъатининг турли қирралари барча даврларда қандай акс этганлиги билан боғлиқ маълумотлар Л.И.Ремпель, Г.А.Пугаченкованинг “История искусства Узбекистана” асарида тўлиқ ёритиб берилган. Хусусан, теурийлар даври тасвирий ва амалий санъати, меъморчилиги, миниатюра санъати тўғрисида алоҳида тўхтаб ўтилган [10].

Дунёда мавжуд музейлар билан бир қаторда Ўзбекистон худудидаги музейларни ҳам тадқиқ қилган олимлар асарлари мавжуд. М.В.Губарёва, Н.А.Ионинанинг “100 великих галерей и музеев” асарида Россия ва хориж давлатларидаги турли музей ҳамда галереяларнинг шаклланиш тарихи, ашёлари, ҳозирги аҳволи кенг ёритиб берилади [8]. Шунингдек, О.В.Лисикованинг “Музеи Мира” асарида [9] дунё музейларининг келиб чиқиш тарихи ва бугунги кунда уларда олиб борилаётган музей бошқарув тизими масалаларига оид бўлган муаммолар тўғрисида ҳам атрафлича фикр юритилади.

Музейлар инсоният тарихий тараққиётида жуда катта роль ўйнайди. 1977 йилдан буён жаҳонда анъанавий тарзда 18 май Халқаро музейлар куни сифатида нишонланиб келинаётганлиги бежиз эмас, албатта.

Мустақиллик йилларида Биринчи Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан тарихий меросимизни ўзида сақловчи муассаса ҳисобланган музейлар ривожига алоҳида эътибор қаратилди. Мазкур соҳанинг ташкилий-ҳуқуқий асослари яратилди. Мустақилликнинг илк кунлариданоқ, Ислон Каримов юртимиз тарихини, кўп йиллик меросини ўзида мужассам этган музейларни ташкил этиш бўйича бир қатор амалий ишларни амалга оширдилар. Жумладан, 1994 йилда “Ўзбекистон тарихи давлат музейини ташкил этиш тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан, Ўзбекистон тарихи давлат музейи ташкил этилди. Натижада юртимиз тарихини ўзида тўлиқ акс эттирувчи 3 мингдан ортиқ осори атиқалар ва ноёб экспонатларга эга музей ташкил топди.

1996 йил 18 октябрда буюк соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан юртимизда янги бир музей - Теурийлар тарихи давлат музейи ўз фаолиятини бошлади. Ислон Каримов мазкур музейнинг очилиш маросимида ушбу музейга нисбатан шундай таъриф берган эдилар: “Теурийлар тарихи давлат музейи соҳибқирон шахсиятига нисбатан юртимизда тарихий адолат тантана қилганининг яна бир амалий исботидир. Айтиш мумкинки, Амир Темур хиёбони гўзал бир узук бўлса, бу музей шу узукнинг ёқут кўзидир. Музейни зиёрат қилган ҳар бир инсон менинг сўзларим шоирона ташбеҳ ёки муболаға эмаслигига ишонч ҳосил қилади. Бу музейда бизнинг ўтмишимиз ҳам, бугунги кунимиз ва буюк истиқболимиз ҳам бамисоли кўзгуда акс этгандек намоён бўлади”.

1997 йилда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов ташаббуси билан ўзининг салоҳияти ҳамда бадий ижод соҳасида мутахассис кадрларни етказиб берувчи Марказий Осиёда ягона бўлган олий таълим муассасаси Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ташкил этилиб, Институт қошида эса, илк бор музейшунос мутахассис кадрларни тайёрлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган йўналиш

очилди. Бу албатта, Ўзбекистон тарихида музейшуносликнинг фан сифатида ривожланиши учун қўйилган тамал тоши бўлди.

Мамлакатимиз аҳолисининг музейшунослик маданиятини ошириш, уларни меросимиз ва кадриятларимиздан хабардор қилиб бориш ҳамда мутахассислар, музей ходимларининг музейшунослик соҳасидаги илмий ишларини чоп этиш, бу соҳадаги ютуқларни тарғиб қилиш, музей ходимларининг касбий малакасини ошириш мақсадида уч ойда бир марта ўзбек, инглиз ва рус тилларида чоп этиладиган илмий-амалий, маънавий маърифий, рангли “Мозийдан садо” журнали таъсис этилди.

Музейлар халқ ўтмиши ва хотирасининг ёрқин ифодаси ҳисобланади. Мустақиллик йилларида ташкил топган яна бир тарихий музей “Қатағон қурбонлари хотираси” музейидир. 1999 йили биринчи Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда қатағон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш ва “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуасини барпо этишга қарор қилинди ва бу борада улкан ишлар амалга оширилди.

2008 йил 12 сентябрда “Музейлар тўғрисида”ги Қонун[1]нинг қабул қилиниши Ўзбекистон ҳудудида қадимдан шаклланган музейлар тизимини янада такомиллаштириш, уларнинг халқимиз маънавий-ахлоқий камолотида туган ўрнини ошириш, музей фондларида сақланиб келаётган халқимизнинг бой тарихини ўрганиш, авайлаб асраш, бойитиб бориш, дунёга олиб чиқиш ва тарғиб қилиш имконини яратиш берди.

Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 15 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ҳамда “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарор [2]лари музейлар фаолиятини такомиллаштириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлашда аҳамияти беқиёсдир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2017 - 2027 йилларда давлат музейлари фаолиятини такомиллаштириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори [6] эълон қилинди. Мазкур Қарорғамувофик, 2017-2027 йилларда давлат музейлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари режаси, янги ташкил этиладиган, қайта ташкил этиладиган ва 2018 йилда фаолияти тугатиладиган давлат музейлари рўйхати, мазкур йилларда давлат музейлари биноларини қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлашнинг манзилли дастури, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилаётган давлат музейлари, уларнинг филиал ва бўлимлари рўйхати тасдиқланди.

Ҳозирги кунда миллий иқтисодиётга юқори даромад келтирадиган истиқболли тармоқлардан бири бу туризм ҳисобланади. Ўзбекистон туризм соҳасида улкан салоҳиятга эга бўлган давлат ҳисобланади. Юртимизда 7 минг 300 дан ортиқ маданий мерос объектлари мавжуд ва уларнинг аксарияти ЮНЕСКО рўйхатига киритилган. Бу борада «Очиқ осмон остидаги музей» дея эътироф этилган қадимий шаҳарларимиз Самарқанд, Бухоро ва Хивада қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Қадимий Бухорои Шарифда 660 та моддий-маданий мерос объектлари рўйхатга олинган. Шулардан 331 таси республика аҳамиятидаги, 329 таси маҳаллий аҳамиятдаги моддий-маданий мерос объектлари ҳисобланади. Буларга мақбара, масжид, карвонсарой, мадраса, архитектура ансамбллари, диққатга сазовор жойлар қиради. Бу шаҳар “очиқ осмон остидаги музей” дея эътироф этилган. Маълумки, 1972 йилда БМТ томонидан “Жаҳон маданий мерос объектларини асраб-авайлаш тўғрисида”ги Конвенция қабул қилинган. 1993 йилда Ўзбекистон мазкур Конвенцияни ратификация қилган. Бухоронинг тарихий марказлари ҳам ЮНЕСКОнинг бутун жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган.

№	Бухоро тарихий объектлари	сони
1.	Мадрасалар	276 та
2.	Масжидлар	215 та
3.	Карвонсаройлар	67 та

4.	Мақбаралар	8 та
5.	Миноралар	17 та
6.	Дарвозалар	11 та

2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг беш устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси [3], жумладан, «Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили» Давлат дастури [4]да ҳам туризмни ривожлантириш бўйича асосий вазифалар белгилаб олинди. Унга кўра, маҳаллий аҳолининг мамлакат бўйлаб саёҳатларини рағбатлантириш, сайёҳлар учун қулай инфратузилма яратиш, ҳудудларнинг сайёҳлик салоҳиятини кенг тарғиб қилиш орқали ички туризмни тизимли ривожлантириш; хорижий сайёҳларнинг ташрифи учун кенг шароитлар яратиш, уларнинг саёҳат дастурларини мазмунан бойитиш ва кўрсатиладиган хизматлар турларини кенгайтириш ҳисобига туризмни жадал ривожлантириш каби вазифалар белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тасвирий ва амалий санъат соҳаси самарадорлигини янада оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги 21 апрель 2020 йил ПҚ-4688-сонли Қарори [5]; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасида музей ва театрларнинг маркетинг фаолияти самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги 23 май 2020 йил 325-сон Қарори [7] музей ишини самарали йўлга қўйиш ҳамда музейлар фаолиятини мувофиқлаштиришда аҳамияти каттадир.

#### 4. Хулосалар:

Ёшларни миллий қадриятлар руҳида тарбиялашда, четдан кириб келаётган ҳар қандай оммавий маданият кўринишларига қарши мафкуравий иммунитетини кучайтириш ҳозирги кунда энг долзарб масалалардан ҳисобланади [15, 1496-1499]. Хусусан, тарихий хотирани юксалтириш, иродани мустаҳкамлаш, маданий меросга ҳурмат туйғусини янада ривожлантиришда музейларнинг ўрни бекиёсдир. Бу борада мамлакатимизда аҳоли музейшунослик маданиятини юксалтириш борасида амалга ошириб келинаётган чора - тадбирлари аҳамиятлидир.

#### Iqtiboslar/Сноски/References:

- [1] “Музейлар тўғрисида”ги Қонун (2008 йил 12 сентябрь). (Law "On museums of the Republic of Uzbekistan" (12 September 2012)
- [2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 2017 йил 15 февралдаги ПҚ-2778-сонли (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan. DP -2778 “On organization of activities of the ministry of culture of the republic of Uzbekistan”; “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида” 31 май 2017 йил ПҚ-3022-сонли Қарори (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan. DP -3022“On further measures development and improvement spheres of culture and arts”).
- [3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017–2021 йилларда Ўзбекистонни янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февраль ПФ-4947-сонли Фармони ((Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated February 7, 2017 No. DP-4947 “On the Strategy for the Further Development of the Republic of Uzbekistan”).
- [4] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида” ги 02.03.2020 йил ПФ-5953-сонли Фармони (Decree President of the republic of Uzbekistan “On the state program for implementing the strategy of actions on five priority areas of development of the republic of uzbekistan in 2017 - 2021 in the "year of development of science, education and digital economy").

- [5] Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тасвирий ва амалий санъат соҳаси самарадорлигини янада оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги 21 апрель 2020 йил ПҚ-4688-сонли Қарори (Resolution President of the republic of Uzbekistan "On measures for further increasing the efficiency of the field of fine and applied arts" dated april 21, 2020).
- [6] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2017 - 2027 йилларда давлат музейлари фаолиятини такомиллаштириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги 975-сон Қарори (Resolution Cabinet of ministers of the Republic of Uzbekistan "On approval of the program of measures for the improvement of activities and complex strengthening of the material and technical base of state museums for 2017 – 2027").
- [7] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасида музей ва театрларнинг маркетинг фаолияти самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги 23 май 2020 йил 325-сон Қарори (Resolution cabinet of ministers of the republic of Uzbekistan "On increasing the efficiency of marketing activities of museums and theaters in the republic of uzbekistan" dated may 23, 2020).
- [8] М.В.Губарёва., Н.А. Ионина. 100 великих галерей и музеев.- М.: Вече, 2005. 464-стр. (M.V. Gubareva, N.A. Ionina. 100 Great Galleries and Museums. - M.: Veche, 2005. 464-P)
- [9] О.В.Лысыкова. МузеиМира.- М.: Флинта, 2004.(OV Lysikova. Museums of the World. - M.: Flinta, 2004.128 pages)
- [10] Ремпель И.Л., Пугаченкова Г.А. История искусства Узбекистана. - М.: Искусство,1965. (Rempel I.L., Pugachenkova G.A. History of art of Uzbekistan.- Moscow: Art, 1965.688 pages)
- [11] Содиқова Н.С. Мулқитарож ўзбегим.-Т.: Фан, 1995.
- [12] Сафаров Г.И. Колониальная революция (Опыт Туркестана).-М., 1921 (Safarov G.I. Colonial Revolution (Experience of Turkestan) .- Moscow, 1921)
- [13] Ўлжаева Ш.М. Музейшунослик: ўқув қўлланма.-Т.. 2002. 26 бет. (Ulzhaeva Sh.M. Museology: Textbook.-Т .. 2002. 26 pages.)
- [14] Курбонова Д.А. Хориж музейларида сақланаётган темурийлар даврига оид тарихий ва маданий ёдгорликлар номзодлик дисс.автореферати. Т.2009. 5-бет (Abstract "Historical and cultural monuments of the Temurids era, stored in foreign museums "for the degree of candidate Historical Sciences Kurbanova D.A. Т.2005. 30 P.)
- [15] Hajieva Iroda, Babadjanova Umida, Kenjayeva Khurshida, Adambaeva Feruza. The importance of spiritual values in the upbringing of the harmoniously developed person in teaching and learning process. International Journal of Advanced Science and Technology. 29(5). P. 1496-1499

**ЎТМИШГА НАЗАР**

**ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ**

**LOOK TO THE PAST**

**№10 (2020)**

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000